2010 ЙИЛ 3 СЕНТЯБРЬ, ЖУМА

# Тошкент оқшоми

Газета 1966 йил 1 июлдан чиқа бошлаган

ШАҲАР ИЖТИМОИЙ-СИЁСИЙ КУНДАЛИК ГАЗЕТАСИ

№ 172 (11.733)

Баҳоси эркин нархда

## ПОЙТАХТНИНГ БИР КУНИ

**Кеча барча таълим масканларида янги ўқув йили бошланди. Мактабларда янграган қўнғироқ садолари ўқувчиларни ўз бағрига чорлади. Эртамиз эгалари бўлган ўғил-қизларимизнинг чеҳраларида чексиз қувонч. Улар қадрдон ўқув масканлари, меҳрибон устозлари томон ошиқишмоқда. Биринчи синфга қадам қўйган жажжи кичкинтойларнинг шодлигини айтмайсизми...**



## МАКТАБЛАРДА ҚЎНҒИРОҚ САДОСИ ЯНГРАДИ

Янги ўқув йили энг улуғ байрамимиз – Истиқлолимизнинг 19 йиллик байрам шодиёналарига уланиб кетганлиги билан ҳам янада қувончлидир.

Айтиш жоизки, «Таълим тўғрисида»ги Қонун ҳамда Кадрлар тайёрлаш миллий дастурига мувофиқ амалга оширилаётган ислоҳотлар натижасида кўплаб янгидан-янги замонавий таълим масканлари бунёд этилиб, мавжудлари замон талаблари даражасида қайта таъмирланганлиги диққатга сазовор бўлаётир. Буларнинг бари Юртбошимиз раҳнамолигида ёш авлод таълим-тарбияси, камолоти йўлида амалга оширилаётган эзгу саъй-ҳаракатлар натижасидир.

Янги ўқув йили Яккасарой туманидаги 127-мактабда ҳам шодиёна тарзда бошланди. Мактаб ҳовлиси ўқитувчилар, қўлларига анвойи гулдасталар тутган ўқувчилар, ота-оналар ва бошқа меҳмонлар билан гавжум бўлди. Маросимда мактаб директори Рафиқа Обидова сўзга чиқиб, барчани Мустақиллигимизнинг 19 йиллик байрами ҳамда янги ўқув йили билан самимий муборакбод этар экан, юртимизда таълим соҳасида амалга оширилаётган янгиланишлар, давлатимиз раҳбари томонидан ёшларга яратилаётган шарт-шароитлар ҳақида алоҳида тўхталиб ўтди. Келгусида ўқувчиларнинг пухта билим эгаллаб, мустақил Ўзбекистонимизга муносиб фарзанд бўлиб камолга етишларига тилак билдирди.

— Мактабимизда таълим сифати ва самарадорлигига алоҳида эътибор қаратганмиз,— деди Рафиқа Обидова биз билан суҳбатда. — Бугунги кунда бизнинг билим масканимизда 1200 нафар ўқувчи таълим олади. Бу йил биринчи синфга 159 нафар ўқувчини қабул қилдик. Мактабимиз 2007 йилда капитал таъмирдан чиқарилди. Иккита синф янги русумдаги компьютерлар билан жиҳозланди. Кимё, биология, физика хоналари замонавий лаборатория ускуналари, спорт зали етарли махсус анжомлар билан таъминланди. Бу ўқувчиларнинг чуқур ва пухта билим олиши, жисмонан соғлом бўлишида муҳим аҳамият касб этмоқда. Шунингдек, ўқувчиларнинг бўш вақтини мазмунли ташкил этиш мақсадида фан ва спорт тўгараклари мунтазам фаолият юритади. Бундан ташқари, 12 та услубий бирлашма ташкил этилган бўлиб, ёш мутахассисларга ёрдам кўрсатиб келинади. Мактаб қошидаги «Ўлкашунослик» музейи доимо ўқувчилар билан гавжум. Туман ва шаҳар миқёсида ўтказиладиган турли тадбирлар, танловлар, спорт мусобақаларида ўқувчиларимиз муносиб ўринларни эгаллаб келмоқда.

Байрамона ўтган тадбирда мактаб ўқувчилари томонидан тайёрланган концерт дастури йиғилганларга хуш кайфият улашди. Шундан сўнг ўқувчиларнинг қалбини ҳаяжонга солиб қўнғироқ садолари янгради. Янги ўқув йили барча синфларда Мустақиллик дарси билан бошланди.

**Дилором ИКРОМОВА**
**Козим Ўлмасов олган сурат**




**Озод ва обод юртимизда яна байрам. Биз Мустақиллигимизнинг 19 йиллик тўйини кенг нишонламоқдамиз. Байрам шукуҳи республикамизнинг узоқ-узоқ манзиллари сари таралиб, халқимизнинг шоду хуррам кайфиятида ўз аксини топмоқда.**

## БУ МУҚАДДАС ВАТАНДА АЗИЗДИР ИНСОН

Дарҳақиқат, байрам таровати ила яратувчанлик руҳи, юртимиз истиқболи, халқимиз, ҳар бир инсон фаровонлигини юксалтириш йўлида янги-янги марраларни забт этишдек бунёдкорлик ҳисси шу кунларда қалбларимизда ўзгача жўш урмоқда.

Энг улуғ, энг азиз байрам — Мустақиллик кунини пойтахтимиз аҳли ва меҳмонлари ҳам кўтаринки руҳда, ҳар қадамда байрам тадбирларига гувоҳ бўлиб, бевосита иштирокчисига айланиб нишонламоқда. Бундай байрамона кайфият сайилларга уланиб, барчада унутилмас таассуротлар қолдираётир.

Ҳа, фақат озод ва обод юртда байрамлар шундай нишонланади. Фақат бизнинг юртда Истиқлол берган азиз ва улуғ неъматдан баҳраманд бўлиш барчага бирдек насиб этади. Чунки бу неъмат бунёдкор халқимизнинг, барчанинг машаққатли меҳнати билан қўлга киритилгандир.

**Мустақиллик ва бунёдкорлик.** Шубҳасиз, ҳар бир байрам ўз моҳияти, аҳамияти билан алоҳида ўрин тутади. Мустақиллик халқимиз учун эркин, бахтли ва фаровон, ҳеч кимдан кам бўлмаган ҳаёт кечиришга имкон берди. Мустақиллик юртдошларимиз учун барча соҳаларда ўз истеъдод ва қобилиятини тўла намоён этиш, ҳуқуқ ва эркинликларини рўёбга чиқариш учун бекиёс имкониятлар яратгани билан қадрлидир. Мустақиллигимизнинг 19 йиллиги тантаналари «Бу муқаддас Ватанда азиздир инсон» шиори остида нишонланаётганида ҳам пурмаъно бор.

Бугун мустақил юртимизнинг байроғи янада баланд ҳилпирамоқда. Бу дегани – мамлакатимиз дунёда ўз ўрнини тобора мустаҳкамламоқда. Бу дегани – албатта ўша кун келадики, Ўзбекистон дунёдаги тараққий топган давлатлар қаторидан ўрин эгаллайди. Юртбошимиз Истиқлолимизнинг 19 йиллигига бағишланган тантанали маросимдаги табрик сўзида таъкидлаб ўтганидек, бу — бизнинг энг эзгу мақсад-муддаомиздир. Ўтган йилларда эришган ютуқларимизга назар ташлар эканмиз, биз шундай дейишга тўла ҳақлилигимизни янада чуқурроқ англаймиз. Байрам кунларида эса қўлга киритилган марраларга биз ҳам дахлдор эканлигимизни ҳис этиб, Истиқлол берган неъматлардан бирга баҳраманд бўлаётганимиздан ғурурланамиз.

*(Давоми 2-бетда).*

## ЛИЗИНГ — ИҚТИСОДИЙ ЎСИШНИНГ МУҲИМ ОМИЛИ

**Мамлакатимизда лизинг хизматларини ривожлантиришга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Зеро, лизинг иқтисодиёт тармоқларини модернизация қилиш, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни қўллаб-қувватлашда муҳим молиявий-ташкилий восита ҳисобланади. Президентимиз Ислом Каримов ташаббуси билан 1999 йилда қабул қилинган «Лизинг тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси қонуни ушбу соҳани янада ривожлантиришга хизмат қилмоқда.**

Бугунги кунда лизинг компаниялари ҳам, тижорат банклари ҳам лизинг фаолиятини самарали амалга ошириб келмоқда. «Асака» давлат-акциядорлик тижорат банки шулар жумласидандир.

Саноат ва қурилиш корхоналари, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик, фермерлик субъектларининг ишлаб чиқариш ҳажмини янада ошириш ҳамда кўрсатаётган хизмат турларини кенгайтириши бугун улар фойдаланаётган ускуналар сифати ва баҳоси билан бевосита боғлиқ. Божхона божлари ва солиқларни тўлашда қатор имтиёзлар берилган лизинг хизмати тадбиркорларга кам пул сарфлаган ҳолда ишлаб чиқаришнинг асосий воситаларини янгилаш ёки харид қилиш имконини беради. Шу боис мазкур хизмат турига бўлган эҳтиёж йил сайин ортиб бораётир ва ажратилаётган маблағлар ҳажми кўпаймоқда. Масалан, 2009 йилда «Асака» банки мамлакатимиз тадбиркорларига иқтисодиёт тармоқларини ривожлантириш учун 70 миллиард сўмдан зиёд маблағ ажратди. Жорий йилнинг 1 август ҳолатига кўра, банкнинг лизинг портфели 99 миллиард сўмдан ошди.

Банк томонидан лизинг хизматлари шаклида ажратилган маблағлар иқтисодиётнинг турли соҳаларини янада такомиллаштиришга йўналтирилди. Масалан, 2010 йилнинг 1 август ҳолатига кўра, қишлоқ хўжалигини ривожлантириш бўйича лизинг портфели 7,8 миллиард сўм, қурилиш соҳасида – 4 миллиард сўм, сервис ва хизмат кўрсатиш соҳасида – 1,3 миллиард сўмни ташкил этади. Банк томонидан ажратилган маблағларга тиббиёт, матбаа, паррандачилик фабрикалари, тўқимачилик ва ёғочни қайта ишлаш саноати учун замонавий ускуналар харид қилинди.

Ана шундай имкониятлардан самарали фойдаланаётган корхоналардан бири – Бухородаги «Max Wood Group» масъулияти чекланган жамияти банкдан лизинг шаклида 330 миллион сўм олган эди. Натижада корхона махсус ускуна харид қилди ва ламинацияланган ДСП ишлаб чиқаришни йўлга қўйди. Харид қилинган технология йилига 53 мингта ламинацияланган ДСП ишлаб чиқариш имконини беради.

Таъкидлаш жоизки, «Асака» банки Президентимиз Ислом Каримовнинг 2009 йил 26 январда қабул қилинган «Озиқ-овқат маҳсулотлари ишлаб чиқаришни кенгайтириш ва ички бозорни тўлдириш юзасидан қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги Қарори ижросини таъминлаш борасида самарали ишларни амалга оширмоқда. Ушбу йўналишда банк жорий йил 1 августга қадар қиймати 16,46 миллиард сўмлик лизинг хизматларини кўрсатди. Ажратилган маблағ паррандачилик, нон ва нон маҳсулотлари, макарон ишлаб чиқариш, сут, гўшт, мева-сабзавотларни қайта ишлаш учун зарур ускуналар харид қилишга йўналтирилди.

Буларнинг барчаси мамлакатимиз иқтисодиётини юксалтириш ва халқимиз фаровонлигини оширишга хизмат қилмоқда.

**Меҳрибон МАМЕТОВА,**
**ЎзА мухбири**

## ҚИСҚА САТРЛАРДА

*Тошкент шаҳар ҳокимлигининг Ахборот хизмати ва ўз мухбирларимиз хабарларидан.*

✓ **СОБИР** Раҳимов туманидаги «Янги Себзор» маҳалласида юртимиз Мустақиллигининг 19 йиллигига бағишлаб ўтказилган байрам тадбирида кам таъминланган оилалар вакилларига, нуроний отахонлару онахонларга совғалар улашилди, Ўзбек Миллий академик драма театри актёрлари ижросида концерт дастури намойиш қилинди.

✓ **«СОҒЛОМ** авлод учун» халқаро хайрия жамғармаси ҳомийлигида туғма юрак хасталиги билан оғриган бир гуруҳ болажонлар Жанубий Кореяга даволаниш учун юборилди.

✓ **АЛИШЕР** Навоий номидаги киносаройда ўзбек киноусталари томонидан яратилган «Таъзиядаги тўй» янги бадиий фильм премьераси намойиш этилди.

## XXI аср садоси

**БАРЧА МАНБАЛАРДАН ОЛИНГАН СЎНГГИ ХАБАРЛАР**

### МАМЛАКАТИМИЗДА

- **Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов номига мамлакатимиз мустақиллигининг 19 йиллиги муносабати билан хорижий давлатлар раҳбарларидан самимий қутловлар келмоқда.**
- **Урганч шаҳрида Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Демократик институтлар, нодавлат ташкилотлар ва фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари қўмитасининг сайёр йиғилиши бўлиб ўтди. Тадбир «Нодавлат нотижорат ташкилотлари фаолиятининг кафолатлари тўғрисида»ги Қонуннинг Хоразм вилоятида ижро этилиши юзасидан назорат-таҳлил ишининг якунига бағишланди.**
- **Жиззах Олий ҳарбий авиация билим юртига бу йил ўқишга кирган ўғлонлар ота-оналари, ўқитувчи-офицерлар ва кенг жамоатчилик ҳузурида тантанали равишда ҳарбий қасамёд қабул қилдилар.**
- **Чирчиқ гарнизони ҳарбий қисм ва муассасаларида хизмат қилаётган бир гуруҳ ҳарбий хизматчиларга янги уйларнинг калитлари топширилди. Маиший хизмат кўрсатиш шохобчалари, болалар боғчаси, спорт майдончаси, мактаб ва шифохонага яқин жойда қурилган янги уйда ҳарбийларнинг оила аъзолари учун барча қулайликлар яратилган.**
- **Мамлакатимиздаги йирик саноат корхоналаридан бири – «Фарғонаазот» акциядорлик жамиятида янги тармоқ иш бошлади. Истеъмол содаси ишлаб чиқарувчи мазкур тармоқ ишга туширилгач, қирққа яқин янги иш ўрни яратилди.**
- **Мустақиллигимизнинг 19 йиллиги шодиёналари давом этаётган шу кунларда Ғузор тумани С.Раҳимов номидаги маҳалла ёшлари янги ўқув йилини янги мактабда бошлади. Тумандаги «XXI аср» хусусий қурилиш корхонаси томонидан бунёд этилган икки қаватли замонавий ўқув муассасасида дарсларни махсус хоналарда таълим стандартлари даражасида олиб бориш учун барча шароит яратилди.**
- **Мустақиллик байрами арафасида «Навоий» эркин индустриал-иқтисодий зонасида рақамли телевизион тюнерлар ишлаб чиқарадиган янги завод фойдаланишга топширилди. Корхона йилига 50 мингдан ортиқ тюнер ишлаб чиқариш қувватига эга. Мазкур ишлаб чиқариш субъекти «Навоий» эркин индустриал-иқтисодий зонасида ташкил этилгани боис бериладиган имтиёзлар ҳисобидан маҳсулот нархи хорижникидан анча арзон бўлади.**

### ЖАҲОНДА

- **Кеча Вашингтонда Исроил ва Фаластин мухторияти ўртасида бевосита тинчлик музокаралари бўлиб ўтди. Минтақада тинчликни барқарор этиш учун эса келгусида чегараларни белгилаш, Иерусалим мақоми ҳамда қочқинлар муаммоларини ечиш лозим бўлади. Томонлар музокараларнинг иккинчи босқичини 14-15 сентябрь кунлари ўтказишга келишиб олдилар.**
- **Чехия президенти Европа Иттифоқидаги бир қатор элчихоналарни ёпиш таклифи билан чиқди. ЕИга аъзо барча давлатлардаги элчихоналарни сақлаб туриш мақсадга мувофиқ эмас, деди президент Вацлав Клаус ўз чиқишида. Унинг фикрича, дипломатик ваколликлар фақат йирик ва доимий ҳамкорлик қиладиган мамлакатлардагина қолиши керак.**
- **Кеча Мексика кўрфазида бурғуланаётган нефть платформасида юз берган портлаш туфайли ёнғин чиқди. Маълумотларга кўра, портлаш ва ёнғин натижасида сувга нефтнинг сизиб чиқиши кузатилмаган.**
- **Еврокомиссия Франция томонидан лўлиларни ўз Ватанларига кўчириб юбориш жараёнида инсон ҳуқуқлари поймол этилмоқда, деган хулосага келди.**
- **Халқаро валюта жамғармаси Покистонга сув тошқини талафотларини тиклаш учун 450 миллион долларлик тезкор кредит ажратишга қарор қилди.**
- **Нон нархининг оширилиши муносабати билан Мозамбик пойтахти Мапутуда оммавий тартибсизликлар бўлиб ўтмоқда. Жумладан, полиция билан тўқнашувлар натижасида ўтган икки кун давомида намойишчилардан етти киши ҳалок бўлди, ўнлаб одамлар яраланди.**
- **Доминикан республикасида Эрл тўфони туфайли 270 киши эвакуация қилинди. Жабрланганларнинг уй-жойлари тўфондан жиддий зарар кўрган. Айни пайтда Эрл тўфони АҚШнинг Шимолий Каролина штатининг шарқий соҳилларига яқинлашмоқда. Шу муносабат билан АҚШнинг учта шарқий штатида фавқулодда ҳолат эълон қилинди.**




# БУ МУҚАДДАС ВАТАНДА АЗИЗДИР ИНСОН




(Давоми. Боши 1-бетда).

— Мустақилликни англаш барчамизда мамлакатимиз бош майдони — Мустақиллик майдонидан бошланади десам, муболаға бўлмайди. Эзгулик аркаси, Бахтли она монументи, Хотира майдони — бу олижаноб рамзларда Ватанимиз тарихи, аждодларимиз орзу-умидлари, бугунги бахтли онлар ва порлоқ келажагимиз мужассамдир. Оиламиз билан ҳар йили Мустақиллик кунида бу қутлуғ масканни зиёрат қилишимиз шу боисдандир, — дейди Тошкент шаҳар Кенгаши депутати Тошпўлат Матибоев. — Давлатимиз раҳбари раҳнамолигида мамлакатимизда Мустақилликнинг илк кунлариданоқ демократик ҳуқуқий давлат қуриш ва адолатли фуқаролик жамиятини шакллантириш бош вазифа этиб белгиланди. Президентимиз томонидан ишлаб чиқилган ва янги давлат ҳамда янги жамият қуришда асос қилиб олинган беш тамойил амалда ўзини тўлиқ оқлади. Шулардан келиб чиққан ҳолда «Кучли давлатдан — кучли фуқаролик жамияти сари» ғояси ҳаётга изчил татбиқ этилмоқда. Фуқаролик жамиятининг иқтисодий негизи яратилиб, мамлакат сиёсий ҳаётида кўппартиявийлик муҳити қарор топди, нодавлат тузилмаларнинг ҳам фаолияти такомиллаштирилди, барча жабҳада кенг ислоҳотлар амалга оширилди. Ислоҳотлар ислоҳот учун эмас, инсон учун, унинг ҳақ-ҳуқуқлари ва манфаатларини таъминлаш учун, деган ҳаётий тамойил ўз ифодасини топмоқда. Конституциямизда инсон, унинг ҳаёти, қадр-қиммати олий қадрият сифатида белгилаб қўйилгани ҳам чуқур маънони англатади. Мустақиллик эълон қилинган куннинг кенг нишонланиши, кўнгилларимиз шод бўлиб, чеҳраларимиз қувончга тўлаётганлиги — бу ҳам неъмат. Бундай тароватли дақиқалар, эришган марраларимизнинг қадрига етишимиз, эртанги кун учун масъулият ҳисси билан яшашимиз даркор. Шубҳасиз, бу борада айниқса биз, халқимизнинг ишончини оқлашга бел боғлаган депутатлардан икки-уч карра масъулият талаб этилишини ҳам унутмаслигимиз лозим.

**Мустақиллик, тинчлик, барқарорлик.** Юртимизнинг тобора обод бўлиб, қиёфаси бутунлай ўзгараётгани, Ватанимизнинг ютуқлари авваламбор мамлакатимиздаги тинчлик, барқарорлик, миллатлараро тотувлик, ўзаро ҳурмат ва меҳр-оқибат туфайлидир. Республикамизда 130 дан зиёд миллат ва элат вакиллари Ўзбекистонни ягона Ватаним дея ҳамжиҳат бўлиб, бир ягона оилада тинч-тотув яшаб келмоқда. Байрам сайиллари давомида халқимизнинг бундай эзгу ниятлари янада кенг ифода топди. Айниқса, улуғ байрамни нишонлаш учун анъанавий тарзда Бобур номидаги истироҳат боғига жам бўлган миллий-маданий марказларнинг ҳаваскор хонандаларию гуруҳлари куй-қўшиқларида, рақсларида, дил изҳорларида тинчлик, дўстлик, бағрикенглик жўш урди.

— Миллий-маданий марказлар томонидан тайёрланган байрам дастури — дебочадир. Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон Миллий боғида бўлиб ўтган тантанали маросимда юртингизда эришилган ютуқлар том маънода барчанинг кўз ўнгида гавдаланди десам, адашмайман, — дейди Туркманистоннинг Ўзбекистондаги Фавқулодда ва мухтор элчиси Солтан Пирмуҳамедов. — Унда Ўзбекистон Президенти Ислом Каримов мамлакат олдидаги муҳим вазифаларни айтиб ўтар экан, юрт раҳбарига хос бўлган оқиллик, узоқни кўра билишлик, оталарча ғамхўрлик билан ўз халқи тўғрисида алоҳида фикр билдирди, Мустақиллик ғояларига содиқ эканлигини таъкидлаб ўтди. Истиқлол байрами — бу бутун халқ тантанаси. Ўзбекистондаги барча миллат ва элатлар бир оила бўлиб тотувликда яшаб келмоқда. «Ўзбекистон — умумий уйимиз» ғоясининг илгари сурилиши ҳам ҳар жабҳада ўз ифодасини топаётир.

— Азиз юртимнинг 19 йиллик тўйига янги «Етолмассан» қўшиғини тайёрладим. Ўзбек тилида ижро этганим боис бу қўшиқ кўпчилик томонидан давомли қарсаклар билан эътироф этилди, — дейди Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист Зоя Цой. — Албатта, бу қўшиқ севги ҳақида, аммо моҳиятида шундай маъно борки, агарда инсон астойдил ҳаракат қилса, чин дилдан севса, маррага, мақсадларга эришиши муқаррар. Ватанни севмоқ иймондандир, дейилади халқимизда. Севиш, севилиш ҳам виждонан, қалбан бўлмоғи лозим. Ўшанда ўз туғилиб ўсган юртингни эъзозлашга қодир бўласан...

**Истиқлол, озодлик, эрк** — ўзаро боғлиқ тушунчалардир. Асрларга татигулик босиб ўтган йўлларимизни сарҳисоб қилар эканмиз, ҳайратланмасдан иложимиз йўқ. Бу ўзгаришларни шоир чиройли сўзлар орқали ифода этса, яна бошқа бир соҳа вакили ўзини тўлқинлантирган, ёдида муҳрланиб қолган унутилмас воқеалар атрофида тасаввур юритади.

— Истиқлолни бир чаманзор десак, унинг соҳиби бўлмиш — халқимизни ана шу гўзал даргоҳнинг булбули, орзулари бир олам, ўз келажагини ўз қўли билан яратган моҳир бунёдкорга менгзашимиз мумкин, — дейди Татар миллий-маданий маркази шаҳар бўлими раиси Венера Латипова. — Бизнинг дўстлик манзилимизга айланган боғ эса шу кунларда катта гулдан иборат майдонга ўхшайди. Ҳамма ҳар хил кийинган, турфа хил ашула, куй-қўшиқлар ижро этилмоқда. Ҳамманинг юзида табассум. Бунда – осуда ҳаёт, ҳамжиҳатлигимиз ифода топгандир.

Ватан ҳисси — муқаддас туйғу. Ватан ва халқ — муштарак тушунчалар. Бирини ҳис қилиш учун иккинчисини билмоқ керак. Она бағри гўдак учун қанчалик ҳаётбахш бўлса, Ватаннинг бағри барчамизга шунчалик ҳузурбахшдир. Унга садоқат билан хизмат қилиш эса ҳар биримизнинг инсоний бурчимиз саналади. Ўзбекистон Мустақиллиги санаси — 1 сентябрда Ватан ҳимоясига ўз ҳаётини бағишлаган йигит-қизлар ҳарбий ва ички ишлар идораларига тегишли ўқув юртларида қасамёд қабул қилди.

Ҳарбий қасамёд Қуролли Кучлар сафида хизматни бошлаётган ўғлонларимиз учун шунчалик тантана тадбири эмас. Ҳарбий қасамёд — юрт посбони деган юксак номга мушарраф бўлиш демакдир. Шу кундан бошлаб уларнинг ҳаётида янги босқич, мардлик, шижоат ва албатта Ватанга муҳаббат ила зийнатланган давр бошланади. «Ватанга қасамёд» мажмуасида қабул қилинган қасамёд эса икки ҳисса шарафлидир. Тошкент Ахборот технологиялари университети махсус факультети курсантлари айнан шу мажмуа олдида қасамёд қабул қилишди.

— Мустақиллигимизнинг 19 йиллиги кенг нишонланаётган кунда юрт посбонлари шарафига бунёд этилган ушбу муҳташам ҳайкал олдида туриб, Ватанга, халқимизга, Президентимизга содиқ хизмат қилишга қасамёд қилдим, — дейди курсант Фарҳод Бурхонов. — Барча сафдош дўстларим каби мен ҳам чуқур ҳаяжондаман. Бу лаҳзалар ҳаётимизда унутилмас кун бўлиб қолади. «Ватанга қасамёд» ҳайкалига қараб, она юртимга, Ватанимга бўлган меҳр-муҳаббатим, садоқатим янада ортди. Юксак ишончни оқлашга ва миллий армиямизнинг содиқ офицери, аждодларимизнинг муносиб фарзанди бўлишга астойдил ҳаракат қиламан.

**Мустақиллик, тинчлик ва тараққиёт.** Бу тушунчалар доимо бир-бири билан ёнма-ёндир. Яхши биламизки, Истиқлол учун қанчадан-қанча аждодларимиз курашган, шаҳид кетган. Давлатимиз раҳбари ташаббуси билан ҳар йили 31 август куни Қатағон қурбонларини ёд этиш санаси сифатида нишонланади. Бу гал ҳам шундай бўлди. Байрам кунларида ушбу мажмуа анвойи гулларга тўлди. Муқаддас қадамжога айланган бу мажмуада Республика Маънавият тарғибот маркази томонидан «Нуроний» жамғармаси ва «Камолот» ЁИҲ билан ҳамкорликда «Ватан фидойи фарзандларини унутмайди» шиори остида маънавий-маърифий тадбир ўтказилди. Унда фахрийлар ва ёшлар ўртасида кенг ва очиқ мулоқот бўлиб ўтди.





— Мажмуа доим зиёратчилар билан гавжум, — дейди Қатағон қурбонларини ёд этиш музейи директори ўринбосари Алишер Собиров. — Бу маскан нафақат шаҳидлар ёдини ифода этади, балки бугунги авлодни табаррук она Ватанимизни, Мустақилликни кўз қорачиғидек асраб-авайлашга ундайди. Бу ерга зиёратга келган инсон осуда отаётган тонгларга шукрона келтиради, қалбида шу озод ва обод юрт тақдирига дахлдорлик туйғуси жўш уради. Дориломон кунларга етиш йўлида қанчадан қанча юртдошларимиз ўз жонини аямаган. Маънавият ва маърифат орқали эзгу мақсадларни илгари сурган кўплаб ватандошларимиз қатағон қурбонларига айланган. Бу муқаддас маскан ана шундай инсонлар хотирасини доимо ёдда тутишга, ёшларимиз уларнинг жасоратини теран англашига хизмат қилиши шубҳасиз.



**Мустақиллик ва баркамол авлод.** Ҳар бир олижаноб ҳаракат бошида фақат маррага эришиш эмас, балки уни мустаҳкамлаш, янада олдинга бориш ғояси мужассам. 19 йил ичида асрларга татигулик ютуқларга, марраларга эришдик. Ортга бир назар ташлар эканмиз, албатта бу ютуқларни асраб-авайлаш ва янада ривож топтириш, келажаги буюк давлатни барпо этиш ҳақида ўйлаймиз.

Ўтган йиллар давомида шу эзгу мақсадлар йўлида мустаҳкам пойдевор қурдик деб, айта оламиз. Авваламбор бунинг яққол далилини Кадрлар тайёрлаш Миллий дастури ҳаётимизда ифода топаётганида кўришимиз мумкин. Халқаро ҳамжамият томонидан ҳам эътироф этилган, мутлақо янги авлодни тарбиялашга йўналтирилган мамлакатни модернизация қилишнинг бу ноёб моделини айни пайтда келажаги буюк давлатнинг ҳал қилувчи кучига айланишига ҳозирлик кўрган ёшларимиз ўз интеллектуал салоҳияти билан намойиш этмоқда. Дарҳақиқат, ҳеч кимдан кам бўлмай замонавий билим ва касб-ҳунар асосларини эгаллаб вояга етаётган йигит-қизларимизнинг таълим, илм-фан, маданият, санъат ва спорт соҳаларида эришган дастлабки умидбахш ютуқлари буни яққол тасдиқлаётир. «Баркамол авлод йили» Давлат дастури бу борадаги саъй-ҳаракатларнинг мантиқий давоми бўлиб, унда белгиланган мақсад ва вазифаларни амалга оширишга 7,9 триллион сўм ва 165,4 миллион доллар миқдорида маблағ сарфланиши кўзда тутилгандир.



Республикамизда бугунги кунда 63 та олий ўқув юрти ва 15 та олий таълим йўналишидаги филиал фаолият юритмоқда. Бундан ташқари, Россия, Буюк Британия, Япония, Сингапур давлатларининг нуфузли олий ўқув юртлари филиаллари очилган. Ушбу қаторни энди Турин (Италия) политехника университети давом эттирмоқда.

– Европа андозаларига хос таҳсил олишга имкон берадиган бундай олий ўқув юртига кирганимдан бениҳоя хурсандман ва ғурурланаман, — дейди Санжар Аҳмедов. — Бу ерда яратилган шарт-шароитлар билан танишиб, ҳайратландим, шу билан бирга бундай неъматлардан баҳраманд бўлиш имкониятини аъло ўқишим билан оқлай олармиканман, деган ўй мени қамраб олди. Аммо бу қисқа фурсатли ўйлар эди. Дастлабки мақсадимга эришган эканман, албатта нафақат аъло ўқишга, балки етук мутахассис бўлишга ҳам бор салоҳиятимни сарфлашим зарур. Ким билсин, вақти келиб, айнан бизнинг авлод ёшлари автомобилларнинг янги авлодини кашф этар...

Баркамолликка интилаётган ўғил-қизларимиз ана шундай орзу ва мақсадлар билан яшаётир. Дарвоқе, бу йили олий ўқув юртларига 56 мингдан зиёд ёшлар кирган бўлса, уларнинг асосий қисми 19 ёшда — Мустақиллик тенгдошларидир. Албатта, бунда ўзига хос рамзий маъно борки, минглаб фарзандларимиз келажакда турли йўналишдаги муҳандислар, шифокорлар, тарихчилар, физика ва математика каби аниқ фанлар бўйича етук мутахассислар бўлиб етишади. Уларнинг қанча-қанчаси илм бобида ўз фаолиятини давом эттиради! Бу фарзандларимиз – келажаги буюк давлатни қуришга шайланган баркамол авлод эгаларидир!

— Тошкентда Турин политехника университетининг очилиши эртанги кунимиз, буюк келажагимиз сари қўйилган яна бир муҳим қадамдир, – дея таъкидлаб ўтди Президентимиз ушбу олий ўқув юрти билан танишиш чоғида. – Мамлакатимизда изчиллик билан амалга оширилаётган ислоҳотларнинг бош мақсади халқимиз, айниқса ёшлар қалбида буюк келажакка интилиб яшаш туйғусини мустаҳкамлашдан иборатдир. Бу болаларимизни ҳар томонлама етук ва баркамол шахс, замонавий инсонлардек вояга етказишда муҳим аҳамиятга эга. Фарзандларимизнинг жаҳон саҳналарида эришаётган улкан муваффақиятлари барчамизга фахр-ифтихор, ғурур бағишлайди. Бу ютуқлар Мустақиллигимизнинг самараси, неъматидир!

... 19 ёшини нишонлаётган Ўзбекистон осмонида юлдузлар порлаётир. Ёғдулашиб эзгулик нурини сочаётган турфа ранглар орасида Истиқлол иншоотлари ҳаттоки узоқ-узоқлардан ҳам янада жозибали, янада муҳташам кўринаётир. Ҳа, мустақиллик неъматлари ҳар қадамда сезилаётир. Уларнинг асосида эса ягона Ватан, унинг қувонч ва ташвишлари менинг қувонч ва ташвишларим деб яшаётган ҳар бир инсоннинг тинимсиз меҳнати ва куч-ғайрати мужассамдир.

Юртимизда жўшқин ҳаёт давом этмоқда. Дастурхонларимиз тўкин-сочин. Тандирларимизда нон ёпилмоқда. Истиқлол берган бу инъомларни янада чуқурроқ, теранроқ англаш, ҳис этиш, улардан баҳраманд бўлиш ҳаммамизга ҳам насиб этсин. Барчамизга Мустақиллик байрами яна бир бор муборак бўлсин.

**Ильмира ЗАЙНУТДИНОВА**

**Ҳакимжон Солиҳов олган суратлар**

## Истиқлол — тақдиримда

### КАСБИМДАН ФАХРЛАНАМАН

**Ўхтам ТУРҒУНБОЕВ,**
**қурувчи:**

— Мустақил диёримизда энг азиз, энг улуғ байрам шукуҳи кезмоқда. Ҳар бир ватандошимиз қалбида олам-олам фахр туйғусини уйғотиб, қутлуғ айёмни муваффақиятлар билан нишонлаяпмиз.

Истиқлол — буюк неъмат. Ушбу неъмат меваларидан мана 19 йилдирки, барчамиз баҳраманд бўлмоқдамиз. Буни она Ватанимизнинг ҳар томонлама равнақ топаётгани, иқтисодиётимизнинг барқарор ривожи, улкан бунёдкорлик ишлари, халқимиз турмуш фаровонлиги ортиб бораётгани ёрқин исботлаб турибди.

Мен ҳам Истиқлол шарофати билан яшнаб-яшараётган, ободлик ва кўркамликда тенги йўқ мамлакатимиздаги бунёдкорлик ишларида фаол иштирок этаётганимдан беҳад фахрланаман. Ҳақиқатан ҳам Мустақиллик йилларида шаҳару қишлоқларимиз ўзгача чирой очди. Бу борада толмас қўлли қурувчиларнинг ҳам ҳиссаси бор. Мардлар майдонига айланган қурилиш участкаларида тиним билмай, қўли қўлига тегмай, ғайрат-шижоат кўрсатаётган бунёдкорларимиз ҳар бир имкониятдан оқилона фойдаланиб яратиш, яшнатиш билан банд бўлаётир.

Бу борада ўзимнинг камтарона ҳиссамдан, шарафли касбимдан ғурурланиб кетаман. Қад ростлаган маҳобатли бинолар, муҳташам иншоотлар қалбимни тўлқинлантиради. Мен ҳам ўз меҳнатим билан Мустақиллик неъматларидан баҳраманд бўлганлар қаторидаман. Истиқлолнинг ўн ва ўн беш йиллиги муносабати билан юбилей медаллари кўксимни безаган бўлса, 2003 йилда Президентимиз Фармонига кўра «Меҳнат шуҳрати» ордени билан тақдирланганим меҳнатимнинг қадри, мустақилликнинг неъматидир.

Ҳар йилгидек, бу йил ҳам шодиёнани ўзига хос туҳфа билан қарши олдик. Биз, 159-трестга қарашли 8-қурилиш бошқармаси қурувчилари, 720 ўқувчи ўрнига эга бўлган Глиэр номли ихтисослашган мусиқа лицейини қайта қуриш ва бунёд этиш ишларини муваффақиятли амалга ошириб, байрамни ёруғ юз билан кутиб олдик. Бу Президентимизнинг «Болалар мусиқа ва санъат мактабларининг моддий-техник базасини мустаҳкамлаш ва уларнинг фаолиятини янада яхшилаш бўйича 2009-2014 йилларга мўлжалланган Давлат дастури тўғрисида»ги Қарори ижросини таъминлашга қўшган муносиб ҳиссамиз бўлади. Баркамол авлод йилида ўғил-қизларимиз учун ҳам ўзига хос совғадир. Фарзандларимиз — юртимиз келажаги. Келажагимизга қаратилган эътибор албатта мамлакатимиз эртаси нурафшон бўлишини таъминлайди.

### МУНОСИБ ВОРИС БЎЛАМИЗ

**Нигора ПЎЛАТОВА,**
**каштачи:**

— Истиқлол туфайли ёшларга қаратилаётган юксак эътибор ҳар биримизни мустақил юртимизга муносиб фарзанд бўлишга, мустақилликни мустаҳкамлашга муҳим ҳисса қўшишга, миллий қадриятларимизни эъзозлаб, бардавомлигини таъминлашда фаол бўлишга ундайди.

Жорий йилнинг Баркамол авлод йили деб эълон қилингани ҳар биримизнинг кўксимизни тоғдек кўтариб, янги изланишларга, ташаббускорлик ҳаракатларига чорлади. Президентимизнинг байрам табриги эса барчамизни руҳлантириб юборди.

Мен саккиз ёшлигимдан момомерос каштачиликка меҳр қўйдим. Ҳунар сирларини аввало онам, сўнгра моҳир устозларимдан ўргандим. Каштачилик билан биргаликда миллий ҳунармандчиликнинг ёғоч ўймакорлиги, матога гул босиш сингари йўналишларида ҳам фаолият юритмоқдаман.

Ёш бўлсамда, ўз маҳсулотларим билан кўплаб кўрик-танловларда иштирок этиб, муваффақият қозониб келмоқдаман. «Зулфияхоним қизлари», «Ташаббус-2010» кўрик-танловлари ана шулар жумласидандир. Ҳунармандчилик билан шуғулланиш баробарида Республика рассомчилик коллежида назарий билимларимни оширмоқдаман.

Менинг орзуларим жуда-жуда кўп. Албатта, ёшларга катта эътибор қаратилган, кенг имкониятлар яратилган мустақил юртимизда биз учун барча шарт-шароитлар муҳайё. Фақат янада кўп ўқишимиз, изланишимиз, ташаббус кўрсатишимиз лозим.

Жаннатмакон Ўзбекистон фарзанди эканимдан фахрланган ҳолда буюк аждодларимизга мос бўлишга интиламан. Юрагимга мустақил юрт меҳри жамланган. Ниятим — миллий ҳунармандчилик ривожига муҳим ҳисса қўшиш, келгусида ўз бизнесимни ташкил этиб, кўплаб шогирдлар тайёрлаш, касаначилик асосида хотин-қизлар учун иш ўринлари яратиш.

Тенгдошларимга айтар сўзларим жуда кўп. Энг асосийси олдимизга аниқ мақсад қўяйлик. Пухта билим олиб, самарали меҳнат қилиб, юртимиз довруғини оламга таратайлик. Биз ҳеч кимдан кам эмасмиз ва кам бўлмаймиз ҳам.

### МУСТАҚИЛЛИК ТЕНГДОШИМАН

**Пойтахтимизнинг Катта Қаъни даҳасидаги хонадонларнинг бирида 19 йил аввал қўшалоқ байрам нишонланди. Бири давлатимизнинг мустақил, тенглар ичра тенг мамлакат деб эътироф этилгани бўлса, иккинчиси зиёли оилада икки қиздан кейин ўғил фарзанднинг дунёга келиши эди.**

— Набирамизнинг пойқадами қутлуғ келди, — дейди Ўткир бува. — Шунинг учун ҳам биз унга оиламизнинг табаррук буваси, жойлари жаннатда бўлсин, Одил ота номларини бердик. Бутун умрини Ҳадрада дегрезчиликда ўтказган бу кишининг ортида 12 фарзанд, ўндан ортиқ набира, эвара-чеваралар қолган. Мустақиллик куни туғилган Одилжонимизга ҳам у кишининг йўлини бериб, ҳамиша халқ эътибори, дуосига сазовор бўлиб юриш насиб этсин.

— Мана йиллар ўтиб фарзандимиз мактабни, сўнгра лицейни тугатиб, бу йил Тошкент Кимё-технология институтига ўқишга қабул қилинди. Мустақиллик билан тенгдош бўлган бола бугун талаба, эртанги куннинг жонкуяр, фидойи ўғлони бўлиб камолга етди. Мен бундан ниҳоятда бахтиёрман, — дейди Одилжоннинг отаси Озод ака.

— Туғилиб камолга етганим сари мустақиллик, озодлик, одиллик тушунчаларининг туб мағзига ета бошладим. Ҳур мамлакатнинг кўпчилик қатори бахтли, омадли фарзандиман. Буни ҳозирги кунда 19 ёшни қаршилар эканман, чуқур ҳис этяпман,— дейди Одилжон Ўткиржонов.– Ёшлигимдан бувамдан жуда кўп нарса ўргандим. Мактаб чоғидан Беруний, Ибн Сино, Амир Темур, Фирдавсий, Навоий, Мирзо Улуғбек, Бобур, Жалолиддин Мангуберди каби даҳоларнинг шахсиятлари билан танишдим. Китоблар, журналлар, газеталар орқали улар тўғрисидаги тасаввурларимни бойитдим. Аждодларимизнинг орзу-армонларини амалга оширишга ҳаракат қиламан. Зеро, томиримизда бу буюк инсонларнинг қони жўш урмоқда. Айни кунда Мустақиллик тенгдоши эканлигимдан қалбимда фахр-ифтихор туйғуси ошмоқда. Мақсадларим улкан. Келгусида озиқ-овқат технологияси бўйича мутахассисликни эгаллаб, халқимиз дастурхони экологик тоза ва шифобахш маҳсулотлар билан тўкин-сочин бўлиши йўлида хизмат қиламан.

Албатта, бунинг учун ҳали кўп ўқишим, изланишим, малака оширишим керак. Мустақиллик билан эгизак эканман, у билан қадамма-қадам бўлиб, озод ва обод юртимиз тинчлигини мустаҳкамлашга, она Ўзбекистонимизнинг яна ҳам юксалиб, тараққий этишига салмоқли ҳиссамни қўшаман.

**Гулором ҲАМИДОВА**
**ёзиб олди**

# ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИК МАҲСУЛОТЛАРИ – ШАҲАРЛИКЛАР ДАСТУРХОНИГА

**Истиқлолимизнинг ўн тўққиз йиллик шодиёналари нишонланаётган шу кунларда Тошкент шаҳри, Қорақалпоғистон Республикаси ва вилоятлар марказларида анъанавий қишлоқ хўжалик маҳсулотлари ярмаркалари давом этмоқда.**

Пойтахтимиздаги «Бешёғоч деҳқон бозори»даги ана шундай ярмаркада Қашқадарё вилояти миришкорлари ўзлари етиштирган сифатли ва нисбатан арзон маҳсулотларни харидорларга тақдим этаётир.

Вилоят деҳқон ва фермерлари учун бозорда махсус жой ва расталар ажратилган. Ҳозирга қадар 30 тонна гўшт, 76 минг дона тухум, 450 тоннадан зиёд картошка, 520 тонна пиёз, 116 тонна сабзавот, 80 тонна мева ва 330 тоннадан ортиқ полиз маҳсулотлари харидорларга пешма-пеш етказиб берилди. Яна 1000 тоннадан ортиқ қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини шаҳарликлар дастурхонига тортиқ этиш мўлжалланмоқда.

– Туманимиздаги 725 фермер хўжалигининг 38 таси мева-сабзавотчиликка ихтисослашган, – дейди ЎзА мухбирига Косон тумани ҳокимлиги вакили Шавкат Сатторов. – Ҳозирга қадар фермерларимиз етиштирган 76 тонна мева, узум, сабзавот, картошка каби маҳсулотлар шу ярмаркада сотилди.

Қишлоқ хўжалик маҳсулотлари ярмаркаси 10 сентябргача давом этади.

**Сайёра ШОЕВА**



Козим Ўлмасов олган сурат

# ЯНГИ ЎҚУВ ЙИЛИГА МУНОСИБ ТУҲФА

**Бугунги кунда фаолият юритаётган кўплаб матбаа корхоналари халқимиз маънавиятини юксалтиришга, тафаккурини бойитишга муносиб ҳисса қўшмоқда. Инсонлар онгу шуурига илм ва маърифат зиёсини таратаётган бу каби тузилмалар орасида «Ўқитувчи» нашриёт-матбаа ижодий уйининг ўрни алоҳидадир. Мустақиллигимизнинг 19 йиллик байрами ҳамда янги ўқув йилини мазкур матбаа уйи жамоаси ҳам меҳнатда муносиб ютуқлар билан қаршилади.**

— «Ўқитувчи» нашриёти дарсликлар, қўлланмалар, кенг омма учун адабиётлар, маълумотномалар, луғатлар, болалар учун турли китоблар, бошқа турдаги босма маҳсулотларни чоп этиш борасида 70 йилдан ортиқ тажрибага эгадир, — дейди биз билан суҳбатда матбаа ижодий уйи директори Рустам Мирзаев. – Нашриёт Халқ таълими, Олий ва ўрта махсус таълим вазирликлари, Ўрта махсус касб-ҳунар таълими маркази, Республика Таълим маркази, шунингдек республикамиздаги барча олий ўқув юртлари, илмий-тадқиқот ва малака ошириш институтлари, кенг муаллифлар жамоаси, махсус муҳаррирлар, бошқа кўплаб буюртмачи ташкилотлар билан яқин ҳамкорликда иш олиб боради. Шу билан бирга ўз номидан келиб чиққан ҳолда фан фидойилари билан ҳам ҳамкорликда ишлайди. Соҳалар бўйича таҳририятларда она тили, адабиёт, физика, математика, педагогика, кимё, тарих, география, рус тили, чет тиллар бўйича малакали мутахассислар фаолият олиб боради. Мактаблар учун дарсликлар лотин имлосига асосланган ўзбек алифбосида, шунингдек рус, қозоқ, қирғиз, тожик, туркман ва қорақалпоқ ҳамда чет тилларида чоп этилмоқда. Мактабдан ташқари, академик лицей ва касб-ҳунар коллежлари, олий ўқув юртлари учун ҳам дарслик ва қўлланмалар нашр этилади. Шуни айтиш керакки, дарсликлар сифатли қоғозда босилиши, бадиий безалиши ва юқори матбаа ижроси билан ажралиб туради. Академик лицей ва касб-ҳунар коллежлари учун чоп этиладиган адабиётлар ҳам ранг-баранглиги билан эътиборни тортади. Болажонлар учун янги имлони ўрганишга оид «Кичкинтойлар алифбоси», «Мактабга тайёрланамиз», «Санашни ўрганаман», «Математика», «Ҳуснихат» сингари китоблар билан бирга уч жилдлик «Ўзбек халқ эртаклари», «Рус халқ эртаклари», «Ўзбекча-русча расмли луғат», «Ўзбекча-инглизча-русча сўзлашгич» ва бошқа бир неча хил луғатлар, икки жилдлик «Ўзбек болалар адабиёти антологияси», «Қобуснома», «Ўзбек таомлари» сингари китоблар безаги билан ажралиб туради.

«Бобурнома» ва «Бобурнома. Миниатюралар» икки жилдлик тўпламнинг янги нашри чоп этилиши алоҳида аҳамиятга эга. Ушбу китоб Москвада ҳар йили ўтказиладиган «Китоб яратиш санъати» халқаро кўргазмасида нуфузли дипломга эга бўлган. Шуни ҳам айтиш жоизки, нашриёт ижодий уйи плакатлар, дафтарлар, альбомлар, кундаликлар, таклифномалар, буклетлар, юбилей папкалари, реклама-ахборот босма маҳсулотлари ишлаб чиқаришга ихтисослашган замонавий матбаа ускуна-дастгоҳларига эга.

— Истиқлолимизнинг 19 йиллигини ва янги ўқув йилини жамоамиз муносиб туҳфа билан қарши олди, — деди суҳбатимизга қўшилган бош муҳаррир Покиза Аъзамова. — 2010-2011 ўқув йили учун 70 номдан зиёд мактаб дарсликлари, ўқитувчилар учун услубий қўлланмалар нашрдан чиқди. Бундан ташқари, таълим масканлари учун «Китобим-офтобим», Внеклассное чтение» туркумидаги адабиётлар, «Буюк сиймолар» мавзусидаги плакатлар тўплами чоп этилди. Миллий маънавиятимиз руҳи сингдирилган, тарихий обидаларимиз акс этган, буюк аждодларимиз сурати тасвирланган дафтарлар, кундалик рейтинг дафтарлари, альбомлар ва бошқа матбаа маҳсулотлари ҳам юқори сифатли қилиб чоп этилди. Ишончимиз комилки, нашриёт ижодий уйининг матбаа маҳсулотлари аҳолимиз, айниқса ўсиб келаётган авлоднинг маънавий-маърифий дунёсини кенгайтиришда ўз ўрнига эгадир.

**Дилором ИКРОМОВА**
**суҳбатлашди**

## Дил изҳорлари

# ҚАЛБДА ИФТИХОР ТУЙҒУСИ

**Азамат АТАБОЕВ,**
**рангтасвирчи рассом, «Дўстлик» ордени соҳиби:**

— Мустақиллик — энг буюк, энг улуғ қадрият, бебаҳо неъмат эканлигини ҳар бир юртдошимиз юракдан ҳис этмоқда. Шу муқаддас заминда ўсиб-улғайиб, камол топаётганимиздан, бизнинг давлатда инсон манфаатлари ҳамма нарсадан устун бўлиб, ислоҳотлар ислоҳот учун эмас, инсон фаровонлиги учун деган ғоя илгари сурилаётганлигидан қалбимизда ифтихор туйғулари ошмоқда. Озод ва ҳур, тинч ва осойишта диёрда яшаётганимизга шукроналар айтамиз.

Президентимиз раҳнамолигида барча соҳаларда эришилаётган ютуқлар, ҳамюртларимизнинг, айниқса ижодкор ёшларнинг истеъдодини тўлақонли намоён этиши учун яратилаётган кенг имкониятлар биз ижодкорларни янада руҳлантириб, янги-янги асарлар яратишга илҳомлантирмоқда.

Мен ҳам кўп йиллардан буён тасвирий санъат йўналишида ижод қилиб, ранг-баранг мавзудаги асарлар яратиб келяпман. Республика ва хорижий кўргазмаларда қатнашганман. 2007 йилдан Ўзбекистон Бадиий ижодкорлар уюшмаси аъзосиман.

Мени она Ўзбекистонимизнинг ажойиб, мафтункор табиати, тоғлари, тиниқ осмони, тоза ҳавоси мудом ўзига тортади. Ўз ижодимда юртимизнинг тенгсиз гўзаллигидан бошқалар ҳам баҳраманд бўлса дейман. Инсон қанчалик табиатга яқин бўлса, иллатлардан шунчалик холи бўлади. Ижодим билан одамлар қалбида гўзаллик ва эзгулик туйғусининг уйғониши ва шаклланишига хизмат қилолсам, мақсадимга эришган бўламан.

Истиқлолимизнинг 19 йиллиги арафасида Ватанимизнинг юксак мукофоти – «Дўстлик» ордени билан тақдирландим. Бу қувончли хабарни эшитганимда, тўғриси, аввалига ишонмадим. Ўз кўзим билан газетани ўқигач, қувонганимдан бошим кўкка етди. Яқинларим, дўстларимнинг табрикларидан қалбим фахрга тўлди. Шундай юксак мукофотга сазовор бўлиш катта бахт, шараф. Албатта, бу мукофот мени яна янги-янги жозибали асарлар яратишга, самарали ижод қилишга ундайди. Шунингдек, бу юксак ишонч менга қанот ва илҳом бағишламоқда. Келгусида уни оқлаш эзгу мақсадимдир.

# ЮРТ ТИНЧЛИГИ — ОЛИЙ МУКОФОТ

**Нодир НОРМАТОВ,**
**ёзувчи, «Меҳнат шухрати» ордени соҳиби:**

– Бу муқаддас Ватанда азиздир инсон деган ғоя куни кеча Президентимиз Фармонига кўра кўплаб юртдошларимиз давлатимизнинг юксак мукофотларига сазовор бўлганлигида ҳам ўзининг яққол аксини топди, десам муболаға бўлмайди. Мукофотланганлар қаторида мен ҳам «Меҳнат шухрати» ордени билан тақдирланганлигимни кўриб, ниҳоятда хурсанд бўлдим.

Бу мукофот мен учун катта шараф, албатта. Барчамиз учун олий мукофот — бу юртимиз мустақиллиги, унинг осойишталиги, тинчлигидир. Бу улуғ неъматларсиз на байрам, на ютуқ, на қувонч — ҳеч нарса татимайди. Агар менга берилган юксак мукофот ҳақида гапирадиган бўлсам, беихтиёр «Излаган иззат топади» деган нақл бугун устувор бўлаётганлигини ҳис қиламан. Қолаверса, ҳар бир мукофот замирида инсонга, унинг меҳнатига, қадр-қимматига ҳурмат ва эҳтиром ётади.

Мукофотга сазовор бўлган куним йўлда кетаётганимда, нотаниш бир кичкина бола жажжи қўлларини менга силкиди, онасининг қўлидан чиқиб, мен томон келдида, жарангдор товушда «Ассалому алайкум» деб, гўё қутлагандай бўлди. Шу боланинг қувончдан порлаган кўзларидаги нур, ундаги масрурлик менга ўтгандек бўлди. Демак, ҳар бир қутлуғ каломда ҳикмат яширин. Биз бу ҳикматни яратувчанлик, бунёдкорлик, ижодкорлик ишларидан қидирмоғимиз лозим. Мамлакатимизда бундай жараёнлар ҳар йили, ҳар ойда, кунда рўй бераётганлиги мени қувонтиради.

Хизмат сафари билан тез-тез вилоятларда, олис қишлоқ ва овулларда бўламан. Албатта, қишлоқ манзараларидаги ижобий ўзгаришларни, обод маҳаллаларни кўриб, хурсанд бўламан. Маърифатпарвар, маънавияти юксак халқимиз юртимиз обод, турмушимиз фаровон бўлишига хизмат қилаётир.

Бугунги кунда нафақат пойтахтимизда, балки вилоятларда ҳам ижодкорлар учун катта имкониятлар эшиги очилмоқда. Буни биз бунёд этилаётган кошоналарда, кўплаб ташкил этилаётган танловлару анжуманлар тимсолида кўрамиз. Ижод аҳли маданият, санъат ва адабиётда катта-катта ютуқларга эришмоқда, республика ва халқаро кўргазмаларда мунтазам иштирок этаётир.

Мана шундай ижодий жараёнлар, улкан воқеалар мени бефарқ қолдирмаётир. Гоҳ насрда, гоҳо санъатшунослик шаклида ёзилган мақолаларимда бундай мавзулар кенг ўрин олади. Сўнгги йилларда «Рўзи Чориевнинг сўнгги васияти» роман-эссе, «Сурхонда бир мактаб бор», «Ранглар, оҳанглар, одамлар» китобларини ёздим. Тасвирий ва амалий санъат бўйича юзлаб илмий мақолаларим замонавий ижодий-бадиий жараёнга бағишланди. Бундай изланишларим эътироф этилгани менга алоҳида мамнуният бағишлайди.

## ТИЖОРАТ ХАБАРЛАРИ ВА ЭЪЛОНЛАР / ТИЖОРАТ ХАБАРЛАРИ ВА ЭЪЛОНЛАР

**Республика кўп тармоқли Агросаноат биржаси Тошкент филиали баҳоси босқичма-босқич ошиб бориш тартибида ўтказиладиган очиқ аукцион савдосига таклиф этади!**

Аукцион савдосига Миробод тумани СИБ томонидан Тошкент шаҳар ИИББ Ахборот марказида сақланаётган қуйидаги автотранспорт воситалари қўйилмоқда: 1.06.07.2010 йилдаги № 7436/24-сон ижро ҳужжатига асосан 2008 йилда и/ч. дав.бел. 01 S 537 СА бўлган «Матиз» русумли автотранспорт воситаси, бошланғич нархи – 10 088 340 сўм. 2. 06.07.2010 йилдаги № 744/24-сон ижро ҳужжатига асосан 2008 йилда и/ч. дав.бел. 10 BI 539 бўлган «Матиз» русумли автотранспорт воситаси, бош. нархи – 8 200 000 сўм. 3. 06.07.2010 йилдаги № 7432/24-сон ижро ҳужжатига асосан 1998 йилда и/ч дав.бел. 10 ВС 363 бўлган «Нексия» русумли автотранспорт воситаси, бош. нархи – 9 944 469 сўм. 4. 10.08.2010 йилдаги № 9569/1-сон ижро ҳужжатига асосан 2008 йилда и/ч. дав.бел. 01 V 712 АА бўлган «Нексия-Донс-2» русумли автотранспорт воситаси, бош. нархи – 14 512 686 сўм. 5. 10.08.2010 йилдаги № 9567/1-сон ижро ҳужжатига асосан 1998 йилда и/ч. дав.бел. 01 Q 768 АА бўлган «Тико» русумли автотранспорт воситаси, бош. нархи – 5 815 580 сўм. 6. 02.08.2010 йилдаги № 9295/1-сон ижро ҳужжатига асосан 2009 йилда и/ч. дав.бел. 01 V 430 СА бўлган «Нексия» русумли автотранспорт воситаси, бош. нархи – 17 754 070 сўм. 7. 10.08.2010 йилдаги № 9568-сон ижро ҳужжатига асосан 1988 йилда и/ч. дав.-бел. 01 D 287 СА бўлган «ЛУАЗ-968 М» русумли автотранспорт воситаси, бош. нархи – 1 045 383 сўм. Аукцион савдосига Зангиота тумани СИБ томонидан Тошкент вилояти Зангиота тумани «Матлубот савдо» МЧЖ корхонаси омборхонасида сақланаётган қуйидаги автотранспорт воситалари қўйилмоқда: 1. 24.05.2010 йилдаги № 1-133/2010-сон ижро варақасига асосан и/ч йили номаълум дав.бел. 11 J 6651 бўлган «BMW» русумли автотранспорт воситаси, бош. нархи – 1 857 692 сўм. 2. 20.01.2010 йилдаги № 5-54/2010-сон ижро варақасига асосан 1972 йилда и/ч. дав.бел. 11 Z 0137 бўлган «Газ-24» русумли автотранспорт воситаси, бош. нархи – 941 270 сўм. 3. 14.05.2010 йилдаги № 1-168/2009-сон ижро варақасига асосан Зангиота тумани ИИБ да сақланаётган 1978 йилда и/ч. дав.бел. 01 N 836 ВА бўлган «Ваз-2106» русумли автотранспорт воситаси, бош. нархи – 1 238 864 сўм.

Аукцион савдосига Бекобод тумани СИБ томонидан 10.08.2010 йилдаги № 13712-сон ижро ҳужжатига асосан Тошкент вилояти Бекобод тумани ХХСК корхонасида сақланаётган 1991 йилда и/ч дав.бел. 11 K 11 50 бўлган «Ваз 21063» русумли автотранспорт воситаси қўйилмоқда, бош. нархи – 2 231 371 сўм. Яккасарой тумани СИБ томонидан 04.09.2008 йилдаги № 1-124/2008-сон ижро варақасига асосан Тошкент шаҳар ИИББ ЙХХБга қарашли махсус жарима майдончасида сақланаётган 1995 йилда и/ч дав.бел. 30 L 9640 бўлган «Ваз 2106» русумли автотр. воситаси, бош. нархи – 2 403 000 сўм.

Аукцион савдосига Шайхонтоҳур тумани СИБ томонидан Тошкент шаҳар «Ганга» жарима майдончасида сақланаётган қуйидаги автотранспорт воситалари қўйилмоқда: 1.01.07.2010 йилдаги № 1-345/10-сон ижро варақасига асосан 2009 йилда и/ч. дав.бел. 01 W 822 DA бўлган «Ласетти» русумли автотранспорт воситаси, бош. нархи – 30 000 000 сўм. 2. 01.07.2010 йилдаги № 1-345/10-сон ижро варақасига асосан 2009 йилда и/ч. дав.бел. 01 T 511 DA бўлган «Нексия Донс N 150» русумли автотранспорт воситаси қўйилмоқда, бошланғич нархи – 18 000 000 сўм. 3. Тошкент шаҳар ИИББ Ахборот марказида сақланаётган 19.09.2009 йилдаги № 14487/5-сон ижро варақасига асосан 1977 йилда и/ч. дав.бел. 11 W 11-64 бўлган «Ваз-2103» русумли автотранспорт воситаси қўйилмоқда, бош. нархи – 2 179 282 сўм.

Аукцион савдосига Янгийул шаҳар СИБ томонидан «Уткир» фирмасига қарашли бўлган жарима майдончасида сақланаётган 18.05.2010 йилдаги № 1724-1728-сон ижро ҳужжатига асосан 2006 йилда и/ч. дав.бел. 30 Q 78 77 бўлган «Нексия Донс» русумли автотранспорт воситаси, бош. нархи – 14 074 686 сўм., Қибрай тумани СИБ томонидан Тошкент шаҳар ИИББ Ахборот маркази ва Тошкент вилояти Қибрай тумани «Аргин савдо» корхонасида сақланаётган қуйидаги автотранспорт воситалари қўйилмоқда: 1.09.04.2010 йилдаги № 3533-сон ижро ҳужжатига асосан 1982 йилда и/ч. дав.бел. 11 Y 8131 бўлган «Ваз 2106» русумли автотранспорт воситаси, бош. нархи – 2 579 245 сўм. 2.19.01.2010 йилдаги № 854-сон ижро ҳужжатига асосан 1994 йилда и/ч. дав.бел. 30 X 4119 бўлган «Мерседес Бенс 280» русумли автотранспорт воситаси, бош. нархи – 15 822 536 сўм. 3. 07.01.2010 йилдаги № 132-сон ижро ҳужжатига асосан 2000 йилда и/ч дав.бел. 10 W 02 32 бўлган «Ваз 2106» русумли автотранспорт воситаси, бош. нархи – 4 567 797 сўм. 4. 09.04.2010 йилдаги № 3531-сон ижро ҳужжатига асосан 1981 йилда и/ч. дав.бел. 11 W 64 68 бўлган «Газ 66» русумли автотранспорт воситаси, бош. нархи – 5 696 344 сўм. 5. 17.05.2010 йилдаги № 4697-сон ижро ҳужжатига асосан 1987 йилда и/ч. дав.бел. йўқ бўлган «Камаз 5511» русумли автотранспорт воситаси, бош. нархи – 34 807 044 сўм. 6. 26.04.2010 йилдаги № 4224-сон ижро ҳужжатига асосан 2009 йилда и/ч. дав.бел. 01 E 031 BA бўлган «Лада 21154» русумли автотранспорт воситаси, бош. нархи – 14 937 837 сўм. 7. 09.04.2010 йилдаги № 3552-сон ижро ҳужжатига асосан 2005 йилда и/ч. дав.-бел. 11 S 2662 бўлган «Нексия» русумли автотранспорт воситаси, бош. нархи – 13 992 000 сўм. 8. 14.06.2010 йилдаги № 5325-сон ижро ҳужжатига асосан 2000 йилда и/ч. дав.бел. M917 KHM бўлган «Ваз 21099» русумли автотранспорт воситаси, бош. нархи – 6 236 650 сўм. 9. 08.08.2009 йилдаги № 9546-сон ижро ҳужжатига асосан 1993 йилда и/ч. дав.бел. X 639 WKM бўлган «BMW» русумли автотранспорт воситаси, бош. нархи – 14 191 893 сўм. 10. 15.10.2009 йилдаги № 10921-сон ижро ҳужжатига асосан 1983 йилда и/ч. дав.бел. 12 F 85 29 бўлган «Камаз 5320» русумли автотранспорт воситаси, бош. нархи – 30 000 000 сўм. 11. 07.01.2010 йилдаги № 141-сон ижро ҳужжатига асосан 1986 йилда и/ч. дав.бел. 10 P 954 АА бўлган «Камаз 5511» русумли автотранспорт воситаси, бош. нархи – 33 242 558 сўм. 12. 09.04.2010 йилдаги № 3540-сон ижро ҳужжатига асосан 1986 йилда и/ч. дав.бел. йўқ бўлган «Газ 66» русумли автотранспорт воситаси, бош. нархи – 10 895 623 сўм. 13. 09.04.2010 йилдаги № 3551-сон ижро ҳужжатига асосан 1987 йилда и/ч. дав.бел. 10 U 392 АА бўлган «Камаз 53212» русумли автотранспорт воситаси, бош. нархи – 27 175 000 сўм. 14. 02.08.2010 йилдаги № 6653-сон ижро ҳужжатига асосан 1987 йилда и/ч. дав.бел. 30 T 4652 бўлган «Газ 2411» русумли автотранспорт воситаси, бош. нархи – 739 801 сўм. 15. 02.08.2010 йилдаги № 6630-сон ижро ҳужжатига асосан 1991 йилда и/ч. дав.бел. 30 V 7301 бўлган «Газ 2411» русумли автотранспорт воситаси, бош. нархи – 1 709 725 сўм.

Аукцион савдосига Тошкент тумани СИБ томонидан МЧЖ «Саидумар Абдуллаев» омборхонаси, МЧЖ «Кўк терак матлубот инвест» ва «Бурхон савдо» омборхоналарида сақланаётган қуйидаги автотранспорт воситалари қўйилмоқда: 1.12.08.2010 йилдаги № 8563-сон ижро ҳужжатига асосан и/ч. йили номаълум бўлган «Камаз 53212» русумли автотранспорт воситаси, бош. нархи – 26 983 821 сўм. 2. 12.08.2010 йилдаги № 8559-сон ижро ҳужжатига асосан 1976 йилда и/ч. дав.бел. 10 T 3707 бўлган «М-412» русумли автотранспорт воситаси, бош. нархи – 959 782 сўм. 3. 19.07.2010 йилдаги № 7429-сон ижро ҳужжатига асосан и/ч йили номаълум дав.бел. 11 R 37 97 бўлган «Газ-24» русумли автотранспорт воситаси, бош. нархи – 624 704 сўм. 4. 18.08.2010 йилдаги № 8656-сон ижро ҳужжатига асосан 1981 йилда и/ч. дав.бел. 10 H 924 АА бўлган «УАЗ-452 В» русумли автотранспорт воситаси, бош. нархи – 1 402 555 сўм. 5. 18.08.2010 йилдаги № 8676-сон ижро ҳужжатига асосан и/ч. йили номаълум дав.бел. 10 D 7845 бўлган «Уаз-452» русумли автотранспорт воситаси, бош. нархи – 1 514 572 сўм. 6. 18.07.2010 йилдаги № 7364-сон ижро ҳужжатига асосан 1973 йилда и/ч. дав.бел. 11 O 11-85 бўлган «М-412» русумли автотранспорт воситаси, бош. нархи – 993 697 сўм. 7. 19.07.2010 йилдаги № 7440-сон ижро ҳужжатига асосан и/ч. йили номаълум бўлган давлат рақами номаълум «Урал-М-6736» русумли автотранспорт воситаси, бош. нархи – 160 000 сўм.

Аукцион савдосига Зангиота тумани СИБ томонидан Тошкент вилояти Зангиота тумани «Матлубот савдо» МЧЖ корхонаси омборхонасида сақланаётган қуйидаги автотранспорт воситалари қўйилмоқда: 1. 24.05.2010 йилдаги № 1-133/2010-сон ижро варақасига асосан и/ч йили номаълум дав.бел. 11 J 6651 бўлган «BMW» русумли автотранспорт воситаси, бош. нархи – 1 857 692 сўм. 2. 20.01.2010 йилдаги № 5-54/2010-сон ижро варақасига асосан 1972 йилда и/ч. дав.бел. 11 Z 0137 бўлган «Газ-24» русумли автотранспорт воситаси, бош. нархи – 941 270 сўм. 3. 14.05.2010 йилдаги № 1-168/2009-сон ижро варақасига асосан Зангиота тумани ИИБ да сақланаётган 1978 йилда и/ч. дав.бел. 01 N 836 ВА бўлган «Ваз-2106» русумли автотранспорт воситаси, бош. нархи – 1 238 864 сўм.

Аукцион савдолари 2010 йилнинг 30 сентябрь куни соат 11:00 да Тошкент шаҳар, Собир Раҳимов тумани, Беруний кўчаси, 83-уйда жойлашган 311-хонада ўтказилади. Юқоридаги автотранспорт воситалари такрорий аукцион савдоси 2010 йилнинг 21 октябрь куни бўлиб ўтишини аввалдан маълум қиламиз.

**2010 йил 16 сентябрь куни соат 11:00 да бўлиб ўтадиган такрорий очиқ аукцион савдоларига қуйидагилар қўйилмоқда.**

Аукцион савдосига Бекобод тумани СИБ томонидан Тошкент вилояти Бекобод тумани Ёшлик ХХСК майдончасида сақланаётган қуйидаги автотранспорт воситалари қўйилмоқда: 1.13.05.2010 йилдаги № 5801-сон ижро ҳужжатига асосан 1984 йилда и/ч. дав.бел. 10 O 9969 бўлган «Ваз 2106» русумли автотранспорт воситаси, бош. нархи – 1 569 994 сўм. 2. 13.05.2010 йилдаги № 5800-сон ижро ҳужжатига асосан 1985 йилда и/ч дав.бел. 10 F 952 АА бўлган «Камаз 5320» русумли автотранспорт воситаси, бош. нархи – 19 399 554 сўм. 3. 13.05.2010 йилдаги № 5802-сон ижро ҳужжатига асосан 1995 йилда и/ч дав.-бел. 12 F 8358 бўлган «Газ 31029» русумли автотранспорт воситаси, бошланғич нархи – 3 079 935 сўм. 4. 13.05.2010 йилдаги № 5799-сон ижро ҳужжатига асосан 1982 йилда и/ч. дав.бел. 11 P 7315 бўлган «Камаз 5320» русумли автотранспорт воситаси, бош. нархи – 16 736 349 сўм. 5. 15.07.2010 йилдаги № 6011-сон ижро ҳужжатига асосан 2004 йилда и/ч. дав.бел. X 152 DCN бўлган «Ваз 2107» русумли автотранспорт воситаси, бош. нархи – 6 063 133 сўм. 6. 25.06.2009 йилдаги № 3035-сон ижро ҳужжатига асосан 1986 йилда и/ч дав.бел. 11 Q 1861 бўлган «Камаз 53212» русумли автотранспорт воситаси, бош. нархи – 23 754 027 сўм. 7. 25.06.2009 йилдаги № 3036-сон ижро ҳужжатига асосан 1989 йилда и/ч. дав.бел. 11 A 8260 бўлган «Камаз» русумли автотранспорт воситаси, бош. нархи – 25 590 707 сўм.

Аукцион савдосига Оҳангарон тумани СИБ томонидан Тошкент вилояти Оҳангарон қурилиш материал савдо шуъба корхонасида сақланаётган қуйидаги автотранспорт воситалари қўйилмоқда: 1.07.04.2009 йилдаги № 5-767-сон ижро варақасига асосан 1998 йилда и/ч. дав.бел. В 175 ММ/18 RUS бўлган «Ваз 2106» русумли автотранспорт воситаси, бош. нархи – 4 534 786 сўм. 2. 12.01.2009 йилдаги ижро варақасига асосан 1998 йилда и/ч. дав.бел. 11 S 7226 бўлган «Нексия» русумли автотранспорт воситаси, бош. нархи – 15 822 750 сўм. 3. 08.05.2009 йилдаги № 1-90-2009 сон ижро варақасига асосан 1995 йилда и/ч дав.бел. X 806 AON бўлган «Нексия» русумли автотранспорт воситаси, бош. нархи – 12 500 000 сўм. 4. 13.05.2009 йилдаги ижро варақасига асосан 1996 йилда и/ч. дав.бел. X 820 MSM бўлган «Audi» русумли автотранспорт воситаси, бош. нархи – 21 279 253 сўм.

Ушбу савдоларда қатнашиш учун талабгорлар мулк бошланғич баҳосининг 10 фоизидан кам бўлмаган миқдорда закалат пулини ҳар бир мулк учун алоҳида тартибда, РКТАСБнинг Тошкент филиали депозит ҳисоб рақамига 20208000304632976002, АТИБ «Ипотека банк» Шайхонтоҳур филиали, МФО 00425, ИНН 206 852 268, ОКОНХ 81200 га тўлашлари шарт. Савдога қўйилган мол-мулклар билан тегишли суд ижрочилари бўлимининг вакили иштирокида бевосита жойга чиқиб танишиш мумкин. Аукцион савдоларида иштирок этиш учун талабгорлардан ариза ва бошқа тегишли ҳужжатларни қабул қилиш ким ошди савдоси ўтказилишига бир кун қолганда тўхтатилади.

Мурожаат учун манзил: Тошкент шаҳри, Собир Раҳимов тумани, Беруний кўчаси, 83-уй. Телефонлар: 249-54-59, 249-53-61.

Лицензия: DB 001 №000003

**Ўзбекистон Республикаси Давлат мулкини бошқариш давлат қўмитаси «Республика Кўчмас мулк биржаси» ЁАЖ бошланғич баҳоси ошиб бориш тартибида ўтказиладиган очиқ аукцион савдосига таклиф этади!**

Аукцион савдосига Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 31.12.2009 йилдаги №343-сонли қарорига мувофиқ, O`zbekiston standartlashtirish, metrologiya va sertifikatlashtirish agentligi (“O`ZSTANDART” agentligi)нинг 10.06.2010 йилдаги № 355-сонли буйруғига асосан, “O`ZSTANDART” агентлигига тегишли, Тошкент шаҳар, С.Раҳимов тумани, Фаробий кўчаси, 333-А-уй манзилида сақланаётган, “ДАМАС” русумли, давлат рақами 10 АК 919 бўлган, 2001 йилда ишлаб чиқарилган автотранспорт воситаси қўйилмоқда. Бошланғич баҳоси – 5 020 000 сўм;

**Аукцион савдоси 2010 йил 30 сентябр куни соат 10:00да бўлиб ўтади.**

Юқоридаги автотранспорт воситаси 2010 йил 30 сентябрдаги аукцион савдосида сотилмаган тақдирда, автотранспорт воситасининг такрорий аукцион савдолари 2010 йилнинг 4 ва 11 октябр кунлари соат 10:00да бўлиб ўтишини олдиндан маълум қиламиз.

Аукцион савдоларида иштирок этиш учун талабгорлардан аризаларни қабул қилиш аукцион савдоси ўтказилишидан бир соат олдин тўхтатилади.

Мазкур савдоларда қатнашиш учун талабгорлар савдо ташкилотчиси билан тузиладиган закалат келишувга асосан объект бошланғич баҳосининг 10 фоизидан кам бўлмаган миқдорда закалат пулини РКМБнинг ОАИКБ «Ипак йўли банки» Сағбон ф-даги қуйидаги ҳисоб-рақамига тўлашлари шарт: ҳ/р: 20210000300571452114. МФО: 01036, ИНН: 200933850. Юқоридаги автотранспорт воситаси бўйича аввал “Биржа” газетасининг 28.08.2010 йилдаги №113(1216)-сонида хабарномалар чоп этилган. Манзил: Тошкент ш., С.Раҳимов т., 1-Қорақамиш кўчаси, 1-А-уй. Тел: 228-79-52. www.rkmb.uz Лицензия: DB 001 № 000004.

